

**Ўзбек халқ кўшиқларининг ўрганилишида Музайяна Алавиянинг ўрни**

**Феруза Шомирзаевна ТУРДИМОВА**

ўқитувчи

Тошкент ахборот технологиялари университети  
хузуридаги академик лицей  
Тошкент, Ўзбекистон

**Аннотация**

Мақолада таниқли ўзбек фольклоршунос олимаси Музайяна Алавиянинг ўзбек халқ кўшиқларини ўрганишдаги фаолияти ҳамда илмий-назарий қарашлари ҳақида сўз юритилади. Олиманинг халқ кўшиқларининг тарихи, ўзига хослиги, тузилиши ва бадииятига доир илмий хулосалари таҳлилга тортилади.

**Таянч сўзлар:** фольклор, рисола, тадқиқот, кўшиқ, лирик тўртлик, анъана, лирик қахрамон, маданий мерос.

**Роль Музайяны Алавия в изучении узбекских народных песен**

**Феруза Шомирзаевна ТУРДИМОВА**

Преподаватель

Академический лицей при  
Ташкентском университете информационных технологий  
Ташкент, Узбекистан

**Аннотация**

В статье рассказывается о деятельности известной узбекской фольклористки Музайяны Алавия по изучению узбекских народных песен и ее научно-теоретических взглядах. Анализируются научные выводы ученой об истории, своеобразии, структуре и искусстве народных песен.

**Ключевые слова:** фольклор, трактат, исследование, песня, лирическое четверостишие, традиция, лирический герой, культурное наследие.

Халқ кўшиқлари ўзида миллат тарихи, анъаналари, урф-одатларини мужассам этган. Уларнинг шаклланиши, тараққиёти, такомилени ва ғоявий-бадий хусусиятини тадқиқ этиш орқали ўзбек халқининг бой маданий меросини ўрганиш мумкин.

Дастлаб халқ кўшиқлари ҳақидаги қимматли маълумотлар илк элшунос олим Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғоти-т-турк» асарида учрайди: “Қошуғ – шеър, қасида, кўшиқ. Шеърда шундай келган:

Тўркән қатун қутїна,

Тәгүр мәннң қошғ,  
Ажғил сизгництабуғчї,  
Отнур жаңї табуғ.

Малика (шоҳ) хотинга мендан мақтов, қасида (қўшиқ) еткур...” [4;357]. Кўринадики, олим қўшиқ сўзининг маъносини изоҳлаш орқали унинг моҳиятини ҳам очиб берган. Қўшиқ дастлаб қасида, мақтов маъносини ифодалаган бўлса, кейинчалик бу атама халқ кўнгил кечинмаларининг баёни сифатида айтиладиган лирик тўртликларга нисбатан қўлланилган. XII асрнинг буюк алломаси Махмуд Замаҳшарий ҳам «Муқаддимат ул-адаб» асарида арабча «шеър» атамасини туркийда «қўшиқ» дейилишини изоҳлайди [1;5]. Алишер Навоий «Мезон ул-авзон» асарида «қўшиқ» атамасини шеърят маъносида қўллаб, унинг аёлғу, лаҳн, турки деб юритилишини ҳам таъкидлайди: «Яна қўшиқдурким, орғушток усулида шойдур ва баъзи адвор кутубида ул усул бўлубтур ва ул суруд аъробнинг тева сурур худилари вазни била мадиди мусаммани солимда воқе бўлур» [5;92]. Демак, халқ қўшиқлари барча замонларда мавжуд бўлиб, илм аҳлини ўзига оҳанрабодек жалб этиб турган. Бироқ, халқ қўшиқларининг тўла моҳияти том маънодаги ўзбек фольклоршунослиги шаклланганидан кейин фольклоршунос олима Музайяна Алавия тадқиқотларида аниқ бўй кўрсатди.

Олима дастлаб фольклор тўпловчиси сифатида фаолият юритиб, экспедициялар жараёнида йиғилган халқ қўшиқларини тўплаб 1949 йилда «Янги қўшиқлар», 1954 йилда «Ўзбек халқ қўшиқлари», 1955 йилда «Ўзбек фольклоридан намуналар», 1979 йилда «Оқ олма қизил олма», 1983 йилда «Халқ қўшиқлари» тўпламларини нашр этиришда бош бўлди. Унинг фольклоршуносликдаги бу меҳнатларини кадрлаб Ҳоди Зариф шундай деган эди: «Музаянахон нозик табиатли, ниҳоятда иродали, фаол ҳаракатда бўлган фидоий олима. У ҳаётдан, амалиётдан фанга кириб келган туғма фольклоршунос... Музайянахон халқимиз ҳаёти ва маишатида шу даражада кириб бордики, ҳаттоки унинг ўзи ҳам фольклорга айланиб кетди.

Оқибатда юртимизнинг кайвони аёлларидан бирига айланди. Халқ урф-одатлари, маросимлари, турмуш тарзи ва булар билан боғлиқ фольклор намуналарини ундан кўп биладиган, шу йўналишда ундан кўп материаллар тўплаган фольклоршунос орамизда йўқ» [4;116]. Дарҳақиқат, Музайяна Алавия халқ кўшиқларини саралар ва нашрга тайёрлар экан, халқ кўшиқларининг тарихи, тадрижи ва эволюциясига қизиқди ва уни мукамал ўрганишга бел боғлади. Олиманинг халқ кўшиқларини ўрганиш ва изланишлари натижаси ўлароқ 1955 йилда «Гражданлар уруши, халқ хўжалигини тиклаш ва социалистик индустриалаш даври ўзбек халқ поэтик ижоди» номли илк рисоласи яратилди. Академик Тўра Мирзаев таъкидига кўра, бу рисолада ўша давр мафкураси учун хизмат қилувчи халқ кўшиқлари таҳлилга тортилганлигига қарамай, рисолада ўзбек халқ кўшиқларининг яратилиш жараёни, уларнинг бадиий қурилмаси ва ғоявий мазмуни тўғрисидаги илк бор қимматли илмий маълумотлар келтирилган [3;139]. Кўринадики, Музайяна Алавия халқ кўшиқларини илмий текшириш ва тадқиқ этишни анча илгари бошлаган ва ниҳоят 1959 йилда олима халқ кўшиқларининг назарий масалаларини ҳал этишга бағишланган «Ўзбек халқ кўшиқлари» мавзусидаги номзодлик диссертациясини ёзиб тугаллади. Тадқиқот иши катта муваффақият қозонди ва ўзбек кўшиқчилигидаги кейинги тадқиқотларга кенг йўл очиб берди. Мазкур тадқиқот ишида олима халқ кўшиқларининг кенг соҳа эканлигини, уни мавзу ва жанр хусусиятларига қараб, гуруҳлар ва жанрлар тарзида таснифлаш ҳамда шу тарзда ўрганиш зарурлигини асослаб берди. Олима халқ кўшиқларини беш гуруҳга бўлиб ўрганиш кераклигини тавсия этади. Яъни, лирик кўшиқлар, меҳр байтлари, термалар, меҳнат кўшиқлари, мавсум-маросим кўшиқлари тарзида, ўз навбатида, ҳар бир гуруҳга кирувчи кўшиқларни алоҳида-алоҳида таҳлил этади. Масалан, меҳнат кўшиқларини «Дехқончилик кўшиқлари», «Боғча ва боғчачилик кўшиқлари», «Чорвачилик кўшиқлари», «Касб ва ҳунар билан боғлиқ кўшиқлар» каби ички узвларга бўлади. Ўзбек фольклоршунослигидаги

Ўзбек халқ кўшиқларининг кейинги тадқиқотлари олиманинг бошлаб берган назарий хулосалари асосида олиб борилган. Бу ҳақда фольклоршунос олим Тўра Мирзаев шундай дейди: «Кейинги йилларда кўшиқлар ҳақида қатор тадқиқотлар яратилди. Жумладан, филология фанлари доктори Ш.Турдимов халқ лирикасидаги рамзларни таҳлил этган бўлса, А.Мусақулов асосий диққатини унинг тарихий асосларини ўрганишига қаратди. Ёки Д.Ўраева ва М.Ёқуббековалар ўз тадқиқотларини мотам маросими фольклори, кўшиқларнинг лингвопоэтик хусусиятларини ёритишга бағишладилар. Бу тадқиқотлар ҳар бирининг ўзбек фольклоршунослигида ўз ўрни ва аҳамияти бор. Лекин Музайяна Алавиянинг китоб ва мақолалари кўшиқларга бағишланган дастлабки тадқиқотлар бўлиши билан бирга умумлаштирувчи характери, истиқболга йўналтирилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади» [3;139].

Музайяна Алавия дастлаб кўшиқ атамасининг пайдо бўлиши, унинг ёзма манбалар ва халқ орасидаги маънолари, умумий ва хусусий қамровини ўрганар экан, унинг жанрий хусусияти табиати ҳақида илмий хулосалар чиқаради. “Демак, кўшиқ термини бир замонлар шеър маъносини ифода этган ва ўзбекларда халқ поэзияси шу термин билан аталган ва умумлашма термин сифатида ишлатилган. Кўшиқнинг бундай кенг маъноси халқ ўртасида ҳозирча сақланиб қолган. Масалан, халқ шоирлари (Фозил шоир, Ислом шоир, Пўлкан бахши) дoston айтдим дейиш ўрнига, «кўшиқ айтдим» дер эдилар. Баъзан «дoston айтдим» ибораси ҳам қўлланади, аммо «кўшиқ» термини кўпроқ ишлатилади. Халқ дostonларида поэзия прозага қараганда ниҳоят даражада кўп ва устун тургани учун ҳам кўшиқ термини ишлатилган” [7;16]. Олиманинг тадқиқоти фақат илмий терминлар ва уларни изоҳлашдан иборат бўлмай, кенг жамоатчилик томонидан ўқиб тушуниладиган даражада содда ва ровон, айна пайтда ширали бир услубда ёзилган. Масалан, М.Алавия кўшиқлардан мафкуравий қурол, тарбиявий мақсадда фойдаланилганини таъкидлар экан шундай дейди: “Кўшиқнинг жони ва тани бўлган ҳақиқий

ғоявийлик уни халқчиллик билан таъминлаб туради... Қўшиқ эшитганда ёки айтганда киши ўз ҳаётини аниқлайди. Турмушни яхшилаш учун йўл кидириш керак эканлигини ҳис этади. Қўшиқ кишиларни сезиш ва аниқлашга, умуман ҳушёрликка ўргатади” [7;18]. Дарҳақиқат, халқ кўшиқларида оддий ўзбек кишисининг ўй-кечинмалари, орзу-армонлари, ишқ-муҳаббат изтироблари акс этади. Бу эса уни эшитувчисининг туйғулари билан бирлашиб, кайфиятини кўтаради ёки лирик қаҳрамон дардига ҳамдард бўлади.

Оқ айвонда туриб шоли туймадим,  
Олди шойи, орти алвон киймадим.  
Қари бойни кўнглим билан севмадим,  
Ўз тенгимга тушиб даврон сурмадим [7;195].

Қўшиқ бевосита умри бой хонадонида ҳасрат билан ўтаётган ёш жувон изтиробларини баён этади. Одатда ота-она фарзандини бой оилага узатилса, камчилик кўрмай, тўкис яшайди деб ўйлаб, қизнинг кўнглига қарамай узатади. Бироқ бойлик, давлат муҳаббатга тўла кўнглини тўлдира олмайди. Бахт бойликда эмас, балки йигит ва қизнинг ўзаро бир-бирларига мослигида уларнинг даври даврон суришидадир. Байтдаги «оқ айвон» жувон орзу қилган бахтли уй рамзи унда армон йўқ, у ерда кундалик рўзғор учун шоли туйиш машаққати ҳам завқли, сабаби тенги билан бирга, бой хонадонига кийган шойи-кимхоблар унга бахт берган эмас, чунки унга уйланган қари бойда кўнгли йўқ. Муҳаббатсиз ҳаёт ёш қалблар учун аламдан бошқа нарса эмас. Музайяна Алавия халқ кўшиқларидаги шундай туйғуларни теран англайди ва таҳлил қилиш жараёнида ўқувчига кўшиқ ғоясини соддалик билан тушунтириб беради.

Бош ёрилса, бўрк ичида,  
Қўл синса, енг ичида.  
Сарғайиб самон бўлдим,  
Чордеворнинг ичида.

Одатда, ўзбекларда бошига тушган қийинчилик «дард-аламини ошкора қилмаслик, чидамли муносабатда бўлиш учун бош ёрилса, бўрк ичида, қўл синса, енг ичида бўлди» деб айтадилар. Эзилишнинг – кайғу алам чекишнинг чексиз даражасини англатиш учун гулдай яшнаган юз сомонга таққосланади. Халқ ибораларидан усталик билан тўла фойдалана бошланган юқоридаги қўшиқ ўтмиш жамиятда тамомила ҳуқуқсиз яшаган, жабр-зулмда эзилган ўзбек аёлининг ички кечинмаларини ифодалайди ва айни замонда ўша ҳуқуқсиз, адолатсиз турмушга қарши нафрат уйғотади”. Кўринадики, халқ қўшиқларини ўрганишда унинг мазмуни ва ғоявий хусусияти бирламчи бўлиб, кейинги навбатда шаклий тузилишига эътибор қаратилади. Олима халқ қўшиқларининг шаклий тузилишини ҳам ўрганар экан, унинг ўзига хослигини алоҳида таъкидлайди: “Халқ шеърятининг лирик марваридлари бўлган қўшиқлар – шакли қисқа, образлари ёрқин, иборалари ўткир бўлади. Шунинг учун тез эсда қолади, тез тарқалади. Енгил оммабоп бўлган қўшиқларнинг яна бир хусусияти куй-оҳанг билан айтилишидир. Қўшиқлар асосан тўртликлардан иборат бўлиб, уларнинг мундарижаси хилма-хилдир.

Биз тўртлик деб атаган қўшиқ ўзбек халқи ичида энг кўп тарқалган, куйланиб айтиладиган вазн ва қофияга эга халқ поэзиясидир. Халқ бу қўшиқнинг куйлаб айтилишинигина эмас, унинг узоқ сақланишини, абадий қолишини истайди. Шунинг учун уй зийнатлари: гул кўрпа, шоҳ кўрпа, фалак кўрпа (сўзана хиллари) зардевор, дорпеч, тахмонпеч, белбоғ, қозикрўмол, дастурхонларнинг гуллари орасида байтлар ёзадилар. Ҳатто хотинлар зийнат асбоблари (тақинчоқлари)га қалам тортириб шеърлар ёзадилар. Уй деворларининг юқорисига, идиш-товоқларига ҳам битдирадилар. Тўртликдаги мазмун тикилган нарсанинг эгасига, унинг ҳаёти ва кечинмаларига мазмунан яқин бўлади” [7;19]. Дарҳақиқат, ўзбек халқ оғзаки ижоди учун ҳам, мумтоз адабиёт учун ҳам тўрт мисрали шеър мазмунан тўлиқ ибратга эга мукамал парча саналадики, буни халқ оғзаки ижодида дostonлардан тортиб қўшиққача, мумтоз адабиётда маснавийдан

тортиб қитъа, рубоийгача кузатиш мумкин. Ўзаро қофияланган тўрт мисра лирик қаҳрамоннинг қалб кечинмаларини ҳикматли тарзда баён этишга етарли бўлади.

У қошим ҳам бу қошимнинг,  
Ораси бир қилча бор.  
Ғам билан ўтган умрнинг,  
Соати бир йилча бор [6;41].

Байтда қаршилантириш санъати орқали ёш умрнинг ҳасратда ўтиб кетаётганлиги ҳақида дардли кечинма баён этилади. Қошлар орасининг қисқалиги пайвасталигидан далолат, пайваста қош эса ёшлик рамзи, айна ўйнаб-кулиш чоғидаги қизнинг турмушга берилиши, эркининг чекланиши ҳаётининг хазон бўлиши ва ғамга ботишини ифодалайди.

Демак, халқ қўшиқларининг тўртлик шакли бадиий ифодада тўлиқ ҳикматли хулосани беришда қўл келади. Буни олима кўйидагича таҳлил қилади: «сўзни севиб, унинг кучини баҳолай олган халқ ўз майл, хоҳишини, яхши тилақларини билдириш учун ҳаммага хуш келадиган тўртликларни зийнат асбобларига ҳам ёзар эди. Чунки тўртликнинг ихчам шакли ва мазмун бутунлиги жуда қулайдир» [7;21].

Олима халқ қўшиқларининг бадииятига ҳам алоҳида эътибор бериб тадқиқ этади. Жумладан, халқ қўшиқларида жуда кўп қўлланадиган бадиий восита «параллелизм» ҳақида илқ бор маълумот беради: «Қўшиқнинг хусусиятларидан бири унда параллелизмларнинг кўп қўлланишидир. Қўшиқларда параллелизм бир неча ҳолларда кўринади. Жумладан: кишининг ички дунёси табиат ҳодисалари, турмуш деталлари билан таққосланади. Кўзга кўринмайдиган ҳолат билан кўзга кўриниб турадиган нарсалар бирга келтирилади, ёхуд психологик боғланиш орқали кишининг маънавий ҳолати қиёс қилинади. Бундай образлаш учун, албатта, ўхшатиш, сифатлаш, муболаға, киноя, метафора, метонимиялар; аллегория, жонлантириш, қаршилантириш, хитоб, сўроқ каби тасвирлаш воситалари, умуман кўчма маънода келган иборалардан параллелизм юзага келади.

“Менку мен ваъдамда турдим,  
Сочда сочбоғим билан.  
Сенку сен ваъдаси ёлғон,  
Белда белбоғи билан” [7;27].

Хулоса қилиб айтганда, эл эътиборига тушган фольклоршунос олима Музайяна Алавиянинг илмий фаолияти халқ кўшиқларини ўрганиш ва тадқиқига бағишланган бўлиб, ўзбек фольклоршунослигида алоҳида ўринга эга. Олиманинг халқ кўшиқлари ҳақида яратган назарий-илмий хулосалари бугунги кун фольклоршунослиги учун ҳам ниҳоятда долзарб ва аҳамиятлидир. Унинг назарий қарашлари асосида халқ кўшиқларининг тадқиқини давом эттириш ўзбек фольклоршунослигининг янада ривожланишига ҳисса қўшиши шубҳасиз.

#### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Замаҳшарий, Маҳмуд. Муқаддимат ул-адаб. ЎзР ФА А.Навоий номидаги давлат адабиёт музейи фонди. Инв.№ 202.
2. Кошғарий, Маҳмуд. Туркий сўзлар девони (Девону луғотит турк). Уч томлик. I том / Таржимон ва нашрга тайёрловчи: С.М.Муталлибов. – Тошкент: Фан, 1963. – 428 б.
3. Мирзаев Т. Устозлар, сафдошлар, издошлар. – Тошкент: Тафаккур томчилари, 2021. – 382 б.
4. Мирзаев Т. Ҳоди Зариф суҳбатлари. – Тошкент: Шамс аса, 2013. – 404 б.
5. Навоий, Алишер. Мезон ул-авзон // Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 16-том / Масъул муҳаррир: М.Мирзааҳмедова. – Тошкент: Фан, 2000. – 336 б.
6. Оқ олма қизил олма / Тўпловчи: М.Алавия. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1972. – 232 б.
7. Ўзбек халқ кўшиқлари / Нашрга тайёрловчи: М.Алавия. – Тошкент: Фан, 1959. – 60 б.

